

ЖАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



1998 йил 13 май чоршанба
Сотувда эркин нархда
№ 95 (1876)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

АЙЛАНДИ МИЛЛАТНИ
СОАТ
СЕШАНБА ХАВАРЛАРИ

ТАДБИРКОРЛИК

ҚИШЛОҚ МУЗҚАЙМОҒИ ХАМ ШИРИН БЎЛАДИ

Голландиялик экспертлар Андижон туманидаги Усмои ҳожи деҳқон-фермер хўжалиги билан ташиқдилар. Абдурахмон Болабоев етакчи бўлган мазкур жамоада ишловчилар сони 145 кишидан иборат. Истеъмолчиларга ҳар йили ўнаиб тонна зўшт, сут етказиб бераётган қишлоқ мулкдорлари ўз маҳсулотларини қайта ишлаши ҳам йўлга қўйдилар.

Яқинда улар Марказий Осиё — Америка тадбиркорлиги қўллаб-қувватлаш фонди орқали 98 миң АҚШ доллари миқдорда кредит олдилар. Бу маблағ ҳисобига Италия ва Дания компанияларидан сут маҳсулотлари қадоқлайдиган жиҳозлар сотиб олинди ва ишга туширилди. Утган кундан бошлаб замонавий технологияга асосланган линиядан музқаймоқ чиқа бошлади. Кунига 2 тонна маҳсулот тайёрлаш имконига эга бўлган бу линия ҳозирча вилоятда ягонадир.

Қишлоқ мулкдорлари маҳсулотларига бўлган талаб тобора ортиб бормоқда. Қирғизистон ва Қозғистонлик тадбиркорлар бу йил 100 миң АҚШ доллариға тенг миқдорда истеъмол моллари харид қилиш юзасидан ўзaro шартнома туздилар, деб хабарлайди мухбиримиз О. Шодмоналиев.

ПИЛЛАЧИЛИК

ТЕРИМ БОШЛАНДИ

Ўзбекистон туманидаги «Сохибкор» жамоа хўжалиги пиллакорлари Фарғона вилоятида биринчилар қатори чилги ҳосил — пилла теримини бошлаб тоборида, деб хабар беради ЎЗА мухбири Р. Камолов. — Бу ишни Маликахон Азимова, Одинахон Саримсоқова, Бадалхон Исоқова, Хосиятхон Хўжамбердиева сингари моҳир пиллакорлар бошлаб берди. Дастлабки кундаёқ ҳар кунги қурт руғидан 80 килограмдан ошириб қимматбахо санаот хом ашёси териб олинди.

Бу йил хўжалик пиллакорлари 250 кунги ишак қуртини парваришлаб, қабул пунктларига салкам 15 тонна сифатли маҳсулот топшириш ниятидирлар.

ТАЪЛИМ

АКАДЕМ-ЛИЦЕЙЛАР АФЗАЛЛИГИ

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга ошириш, албатта, бир-икки йил ичида ҳал қилинадиган иш эмас. Бу борада Навоий вилоятида янги типдаги ўқув муассасалари — академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари фаолиятини ташкил этиш бўйича қондаларни ишлаб чиқишга эътибор берилмоқда, — деб ёзади Парда Жумаев.

«Таълим» ҳарита-схемаси тузиш ишлари якунланиш арафасида. Навоий шаҳрида жорий йилда тажриба тариқасида битта 600 ўринли академик лицей очилади. Шу йилги ўқув йили учун 150 нафар ўқувчи қабул қилинади. Шунингдек, битта 600 ўринли касб-ҳунар коллежи ташкил этилиб, унда 200 ўқувчи таҳсил олиши мўлажалланмоқда. Шу йўл билан 2005 йилга бориб, вилоятда 8 та академик лицей, 82 та касб-ҳунар коллежлари очилиши режалаштирилди.

КРИМИНАЛ

БЎЗ ҚОПЛАРНИНГ СОҲИБИ БЎЗЛАР

Сурхондарё вилояти 3-сонли Сариев темир йўл боқжоначилари Миллий хавфсизлик хизмати ва милиция ходимлари билан биргаликда гаройиб «тадбиркорлик»нинг гуноҳи бўлиши. Душанбе — Москва поезди ресторанининг кириш қисмида ўнг томондаги учинчи ўриндиқ полининг тасида 2 дона оқ рангли бўз қоплар топиб олинди. Бўз қоплар ичида 5,265 грамм героин ва 1,050 грамм гашиш гўёҳанд моддалари борлиги аниқланди.

Мақкур ҳолат юзасидан суриштирув олиб борилганда, ресторан-вагонда овқат ташувчи бўлиб ишлайдиган Тожикистон Республикаси фуқароси Сафарали Боневага нотаниш қимса ушбу молларни Қозғистонга олиб борсанг, рози қиламан, деганлиги маълум бўлди.

Телефонларимиз: 133-15-22, 133-52-55
133-07-48, 136-37-85

Соат миллиларини ЖЎШҚИН кузатди.

СУВ КЕЛТИРГАН ЭЛДА АЗИЗ



Халқимизнинг бу нақлини, айниқса, берунийликлар янада тeрaнpoқ ҳис қилишадди. Сув, дарҳақиқат япнатда, кўкартиради, бир сўз билан айтганда тўйдириб, ичирди. Шу боис бўлса керак Бeруний туманлараро насос станциялари жамоасининг меҳнати деҳқонлар олқинига сазовор бўлмоқда. Улар Амударёдан сув чиқазиб, 40 миң гeктap экин майдонларини обихайёт билан таъминламоқдалар. Энг муҳими, насос станцияларининг аксарияти аynи пайтда электр қуввати билан ишляпти. Бу эса йил охиригача 36 миллион сўмлик маблағни иқтисод қилишга имконият яратди.

СУРАТЛАРДА: «Қилчиноқ» насос станцияси бўлими бошлиқлари Ш. Реймбоев ва И. Кўчқоров; Бозен каналининг бош ҳавзаси. Р. ЖУМАНИЕЗОВ (ЎЗА) олган суратлар.

ЯКУН ВА ИСТИҚБОЛЛАР

12 май кунини Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодий буйича ўринбосарлари, вилоятлари ва Тошкент шаҳри Иқтисодиёт ва статистика вазирлиги ҳайъатининг шу йил биринчи чорагида вазирлик ишлари якунлари ҳамда вазирлик органларининг вазифаларига бағишланган кенгайтирилган мажлиси бўлди. Мажлисини Бош вазир ўринбосари, Макроиқтисодий ва статистика вазир Б. Ҳамидов бошқарди. Мажлисда Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт ва статисти-

стика вазирини, вилоятлар ҳокимларининг иқтисодий буйича ўринбосарлари, вилоятлари ва Тошкент шаҳри Иқтисодиёт ва статистика бoш қармавларининг статистика бoш қармавлари ҳамда капитал қурилиш бўлимлари бошлиқлари иштирок этиди.

Ҳайъат мажлисида вазирлик, унга қарашли орган ва ҳудудий бўлимларнинг 1998 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари дастурида ўз зиммаларига юкланган вазифаларни бажариш ҳамда мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг асосий йўналишларини амалга ошириш борасидаги фаолияти танқидий нуқта назардан таҳлил этилди. Капитал қурилиш, агроанот мажмуи ва транспорт сингари, ҳозиргача бошқарувининг самарасиз шакллари сақланиб турган соҳаларда бозор механизмларини янада кенг-роқ жорий этиш, зарар келтиратган корхоналарни ту-

гатиш ҳамда уларни, айниқса, қишлоқ хўжалигидаги корхоналарни санақлаш, маҳаллий меҳнат ва хомашё ресурсларидан тўла фойдаланишни ҳисобга олган ҳолда, бу корхоналарнинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш, услубий ишлари, иқтисодий ва статистика ишлари қучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Қўриб чиқилган масалалар юзасидан вазирликнинг республика ва ҳудудий органларига муайян топшириқлар берилди. (ЎЗА)

КОНТРАКТАЦИЯ — ДАВР ТАЛАБИ

ШАРТНОМАЛАР КИМГА ХИЗМАТ ҚИЛАЯПТИ?

Қува туманидаги Мусажон Шербутаев номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Бақирхон Шолимов бултур, аynи пахта йигим-терими палласида шифонага тушиб қолди. Шифокорлар мўлажага ўзқачи ишларини айтишга, у қува ҳомиқига ўз вази фасидан овоз қилиш ҳақида ариза берди. Шундан сўнг хўжаликда вақтинча янги раҳбар тайинланди. Тоимилга биноиан, янги раҳбар жамоа аъзолари олдида ҳисобот бeриш керак эди. Лекин меҳнат аҳлининг аксарияти «Янги раис эмас, эски раҳбар Бақирхон Шолимов ҳисобот бeриш, йил бошида биз айнан шу киши билан шартнома шартларини имзолаганимиз», деб туриб олди. Уш қунарлар Бақирхон Шолимов шифонадан эндигина даволаниб қайтган эди. У минбарга кўтарилганда зални давомли қарсақлар тутиб кетди. Чунки хўжаликнинг машҳур пахтакор, водий деҳқонларининг устози, марҳум Мусажон Шербутаевдан қабул қилиб олган Бақирхон жамоа шон-шухратини тиклаш йўлида муттасил тер тушиб хизмат қилди. Вилоят, туман бўйича режалар бажарилмаган кeларда ҳам, асосан қир-адирларда, заққаш ерларда деҳқончилик қиладиган шербутаевчиларнинг юзлари шувут бўлмади: тўрт йил ичида хўжаликда давлат буюртмаси удаланмаган бир орд соҳа қолгани йўқ. Утган йилги ҳисобот йи-

гилишида раис тайёрлов идоралари, санаот корхоналари билан тузилган шартномаларни эълон қилиб, энди раҳбар сифатида хўжалик аъзолари, бригада бошлиқлари билан шартнома тўзмоқчилигини айтди. Раиснинг мутахассислиги иқтисодий-ҳисобчи бўлганидан унинг ҳам, бу тадбир қойилмақом қилиб амалга оширилди. Янги, хўжаликнинг барча тизими билан бошқарув раиси ўртасида шартнома тузилди. Якунда эса барча тармоқларда ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ошириб бажарилди. Рентабеллик даражаси 13 фоизга етиб, фақат пахтачиликнинг ўзидан тушган 40 миллион сўм маблағ хўжалик аъзоларига тарқатилди (қўшимча тола ҳисобидан уларга топширилган маблағ бу ҳисобга кирмайди).

Хўжалик билан пахта тозалаш корхонаси ўртасида тузилган шартномага биноиан, режадаги ҳосилнинг муайян фонди хўжалик иштирокида қолди. Бу 2148 тонна пахта дегани. Бошқача айтганда, бугунги кунда меҳнат аҳли 667 тонна тола, 1200 тонна чигит, 120 тонна сиймлик ёғи, шунга яраша кунжара ва шелухага ҳақдор бўлиб турибди.

Хўжаликда, шунингдек, утган йили 7,5 километр масофага газ қувури тортилди. Бунга салкам 6,5 миң сўм маблағ сарфланди. Газ ва сув таъминотида қийналган меҳнат фахрийлари, икка-ёпгиз кишилар, камқарж оилаларга эса 1 миллион 800 миң сўм миқдорда ёрдам кўрсатилди...

Хисобот йилгилиги кўтаринки руҳда ўтди. Якунда жамоа аъзолари, хўжаликнинг бошқа тизимидики мутаассидлар, мутахассислар «Яна эски раис билан шартнома тўзамиз», деб қатъий талаб қилишди. Шундай қилиб, вилоят кенгаши депутати Бақирхон Шолимов яна бошқарув раиси этиб сайланди. Аynи кунларда у хўжаликнинг пайчилик жамоасига айлантириш тавшишу билан юрибди.

Тошқоқ туманидаги «Навбахор» ёпик турдаги ҳиссадорлик жамиятида ҳам иш юриштида тулиқ шартномавий муносабатларга ўтганиги ижобий самаралар бeрипти. Бу ерда уч йил аввал нафақат вилоятда, балки мамлакатимизда биринчилардан бўлиб иқтисодий-моллиявий бошқарувининг пайчилик усули қўлланила бошлагани, жамоа хўжалиги ҳиссадорлик жамиятига айлантирилгани эди. Хўжалик аъзоларининг иш стажини, жамоага қўшган ҳиссаси ҳисобга олиниб, уларга 4120 лoна акция тарқатилди. Ҳар йили хўжаликнинг дeроматига қараб пайчиларга дивиденд бeриляпти. Бултур 4 миллион 124 миң сўм соф фойда олганга бўлса, шунинг 1 миллион 234 миң сўми дивиденд сифатида ажратилди.

Агар утган йили хўжалик пиллачиликдан 219 миң сўм зарар кўрмаганда, пахта ва дон маҳсулотларининг таннарихи амалда анча аронга тушганда, дивиденд миқдори бундан-да ортиқ бўлиши мумкинлигини пайчилар йиллик ҳисобот йи-

ТЕХНИКА МАВСУМГА ШАЙМИ?

Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида техникани галла ўрим-йигими ва пахта теримига тайёрлаш, боғ ва тоқзорларни шартнома асосида ижарога бeриш масалаларига бағишланган кенгаши бўлиб ўтди. Унда мутахассис вазирлик, кўмита ва компаниялар раҳбарлари, вилoят ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари қатнашди.

Кенгаши Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, қишлоқ ва сув хўжалиги вазири И. Журабeков бошқарди.

Кун тартибидики масалалар юзасидан «Ўзқишхўжалик-миноттаъмир» давлат-кооператив кўмитаси раиси Б. Олимжонов, ички ишлар вазирининг ўринбосари Б. Парпиев, «Ўзқишхўжалик-маш-холдинг» компанияси раиси Р. Матчонов, қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари Н. Юсуповнинг ахборотлари тингланди.

Кенгашида таъкилдики, ҳозиргача мавжуд галла комбайнларнинг 84 фоизи мавсумга шайланган, қолганлари пeшма-пeш таъмирдан чиқарилмоқда. Уларни зарур эҳтиёт қисмлар билан таъмирлаш мумноси ҳал этилмоқда. Мавсумга жалб этилган комбайнларнинг 650 га яқини «Кейс» агрегатларидир. Янги техникада ишлайдиган механизаторлар учун махсус ўқувлар ташкил этилиб, уларнинг малакаси оширилди. Галла майдонларини ўт босган Сирдарё ва Жиззах вилоятларида ўрим-йигимга шoли комбайнларини жалб этиш чоралари қурилмоқда. Шу билан бирга Қашқадарё ва Тошкент вилоятларида бу борада ҳали талайгина муаммолар мавжудлиги, уларни мавсум бошлангунча ҳал этиш зарурлиги айтиб ўтилди. Галла ўрим-йигими да-

вомида турли хил қонунбузарлик, хусусан, ўғирлик ва талон-тарожнинг олдини олиш, ёнгина қарши кураш воситаларини ҳозирлаш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Кенгаши қатнашчилари галла ўрим-йигимига тайёрларлик ишларини жадаллаштириш, ҳар бир туманда механизаторлар учун махсус ўқув семинарлари ўтказиш, уларни моддий рағбатлантиришни қучайтириш, ишни ташкил этишнинг бригада усулидан фойдаланиш, галладан бушаган майдонларга пeшма-пeш такрорий экинлар экиш зарурлигига эътиборни қаратди.

Бу йил пахта териш мавсумига ҳозирлик ҳар йилгидан барвақт бошланди. Жумладан, терим техникасини мавсумга тайёрлаш борасида ҳам кенг қўламли ишлар олиб бeрилмоқда. Хўжаликларга эҳтиёт қисмлар етказиб бeриш бўйича шартномалар тузилиб, барча вилоятларида таъмирлаш ишларида малакали мутахассислар ёрдам бeрмоқда.

Шунингдек, кенгашида мамлакатимизда мавжуд боғ ва тоқзорлардан унумли фойдаланиш, ҳосилдорликни ошириш, ижарачилар билан тузилётган шартномалар ижроси устидан қатъий назорат ўрнатиш юзасидан аниқ топшириқлар бeрилди. (ЎЗА)

“ЎЗАГРОСУГУРТА” ҚИШЛОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛИШИ КЕРАК

12 май кунини Тошкентда ўтган йилнинг февраль ойида Президент Фармонини асосида ташкил этилган «Ўзагросугурта» давлат-акциядорлик сугурта компанияси акциядорларининг умумий ҳисобот йилиги бўлди.

Йилгилишда компания бўлимларининг, вазирликлар, банклар, жойлардаги бошқарув органларининг, республикада қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши масалалари билан банд идора ва ташкилотларнинг раҳбарлари иштирок этиди.

Йилгилишда республика Бош вазирининг ўринбосари, Макроиқтисодий ва статистика вазирини, «Ўзагросугурта» компанияси қурастиш кенгашининг раиси Б. Ҳамидов эътиборини ҳал этилган муаммоларга қаратиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштирувчиларга ҳар томонлама хизмат кўрсатиши лoзим бўлган сугурта компаниясининг оёққа туриб олишини тeлаштириш зарурлигини алоҳида таъкиллади.

Йилгилишда «Ўзагросугурта» компаниясининг ўтган йилдаги фаолияти якунлари ва бу йилги ишларининг истиқболлари қўриб чиқилди. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши самарадорлигида сугуртанинг янги турлари таъсирдан фойдаланишнинг умумий ижобий натижалар бeришига қарамасдан, бу борада жиддий нуқсонлар ҳам борлиги қайд этилди. Йилгилиш иштирокчилари мазкур нуқсонларни тугатиш йўллари белгиланган, қишлоқ аҳлига хизмат кўрсатиши яхшилан ҳусусида уларнинг фикр ва тақлифларини айтишлар, галлачилик, пахтачилик, деҳқончиликнинг бошқа маҳсулотларини етиштириш ва чорвичликда юксалишни таъминлаш учун сугурта компаниясини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгиланди. (ЎЗА)

тура органлари шугулланмоқда. Натижала хўжаликларга яна 45 миллион сўм ҳаракатсиз ётган маблағдан фойдаланиш имкони бeрилди. Буларнинг барчаси шартномалар тўласинча маҳсулот етиштирувчилар фойдасига хизмат қилдeтганининг кўрсатиб турибди.

Фарғона вилoят қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш ва унинг сифати бўйича давлат инспекцияси томонидан бeрилган маълумотга қўра, бу йил 183 та хўжалик маҳсулот етиштирувчиларнинг ҳуқуқлари, манфаатлари кўп оқ равишда бузилган. Маҳсулот миқдори, нархи, уни қабул қилиш муддатлари оид мажбурийлар эса белгиланмаган.

Амалдаги тартибга қўра, ҳар қандай шартнома маҳсулот тайёрлаш ва унинг сифати бўйича давлат инспекциясини рўйхатдан ўтиши зарур. Афсуски, тайёрловчилар бу талабга амал қилишмаган. Бу ҳол ўз навбатида айрим хўжалик раҳбарлари, мутахассисларнинг ҳуқуқий билимлари етарли даражада эмаслигини далолат бeрилади.

Ишчи гуруҳлари жойларда маслаҳат бeриш билангина чегараланиб қолмасдан, шартнома талабларини қатъий назорат қилиш, хўжаликларнинг ҳақларини ундириб бeриш борасида ҳам муайян ишларни амалга оширмоқда. Бунинг самараси ўларoқ, хўжаликлар ҳазинасига 89,5 миллион сўмдан зиёд маблағ туширилди. Мунозарали масалалар эса вилoят хўжалик судига юборилди. Бу ерда 28 та ариза ҳуқуқлар қўшимча 33 миллион сўмга эа бўлди.

Ҳисоб рақамиди маблағ йўқ ташкилот ва корхоналарнинг муносабатларини оидинлаштириш масаласи билан прокура-

Набижон СОБИР,
«Халқ сўзи» мухбири.

Хаммага аён: картошка — иккинчи нон демакдир. Халқимизнинг бу борадаги эҳтиёжини қондириш учун йилга 1 миллион 200 минг тоннадан ортиқ маҳсулот керак бўлади. Шу боис, кейинги йилларда республикамизда ушбу соҳани ривожлантириш, ички бозорни ўзимизда етиштириш ҳисобидан таъминлаш йўлида талай ишлар қилинаётган. Ана шу саноатчилар самараси Улароқ, картошкачиликка ихтисослашган хўжаликлар, уруғлик етиштирувчи жамоалар, ширкатлар ва ҳитто ижарачилар вуқудга келди. Айни пайтда ушбу соҳа учун хўжаликларга ажратилган ерлар 27 минг гектарга етди. Дон экинликдан майдонлар кенгайиб бораётганлиги сабаб иккинчи экин сифатида картошка етиштиришга катта имкониятлар очилмоқда.

Дарвоқе, юртимизда картошка етиштириш ҳам йил сайин кўпаймоқда. Агар 1996 йилда республикамизда картошка қазиб олиш янги ҳажми 490 минг тоннани ташкил этган бўлса, ўтган йили бу рақам 685 минг тоннага етди. Бироқ ҳосилдорлик республика бўйича 120-125 центнердан ошмапти. Хорижда ушбу кўрсаткич 350-450 центнерга тенг бўлаётганлиги инобатга олинса, бизда ҳосилдорлик анча паст эканлиги аён бўлади.

Хўш, нега шундай? Юртимизнинг серқизиш осмони, олтинга тенг замин, меҳнатқаш халқи билан фахрланамиз. Бироқ нега шундай саҳоватли ўлкада картошкачиликдан ҳосилдорлик паст? Еки кўп минг йиллик деҳқончилик тарихига эга бўлган соҳибкорларимиз учун бу янги соҳани рағбат қилди. Агар биз шундай ҳулосага келсак, ерининг рангига қараб, унинг нимасига бўлган эканлигини айтиб бермоқчи Ушбу деҳқончилик маълумот келди.

Биласизми, картошкачилик табиий иқлим шароити ва ерга боғлиқ. Агар ҳарорат меърида бўлса, тупроқ ушбу экинни сева, ҳосилдорлик республика бўйича 200-300 центнерга етиши турган гап, дейди биз билан суҳбатда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг бўлим бошлиғи Ҳабибулло Холитов.

У киши айтганидек, бу экинни етиштириш биргина ер шароити ва иқлимга боғлиқ дегани шунки, зеро, кўпчилик деҳқонларимиз серқуш, ёгингарчилик нисбатан кам бўладиган дийримизда ҳам ҳосил олиш мумкинлигини исботлашга йўл очиб берди. Қолаверса, ҳарорат биланги нисбатан анча юқори бўлган Мисрда айни пайтда картошкани ўртача 300-400 центнердан ҳосил олишарди. Унда ўзбек деҳқони нима етишарди?

Улар серқосил уруғликка эҳтиёж сезмоқда, дейди иқтисод фанлари номзоди Суюн Холитов. — Мустабиллик йил- республикамизда ҳали уруғчилик ишлари талаб даражасида ташкил этилмаганлигида. Энг ачинарлиси, маҳаллий навлар яратилиш жуда суст кечмоқда. Зотан, уруғчиликни тўри йўлга қўймай туриб, картошка етиштиришни кўпайтириб бўлмайди. Хабарингиз бор, ўтган йиллар мобайнида хориждан килма-хил модуларга тўналган уруғлик картошка олиб келинди. Биргина 1996 йили Голландиядан 20 минг

лик картошка олиб келиниб, республикамизнинг ети вилоятида экинди. Фирма раҳбари Бахтиёр Азимовнинг айтишича, натижа бари бўлмади. Ҳатто қилинган харажат қопланмади, бундан анча фойда ҳам қўрилган. Шунингдек, йил бошида эртани муштларга экин учун республикамизнинг барча вилоятларидаги хўжаликларга шартнома асосида уруғлик картошка етказиб берилди. Орта- ни эса кечки мавсумга экин

нукталаридан ҳисобланган сазавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти бўлиб, картошка селекцияси ва уруғчилиги бўлими бошлиғи Аҳмадjon Расуллов билан суҳбатлашдик.

Улар серқосил уруғликка эҳтиёж сезмоқда, дейди иқтисод фанлари номзоди Суюн Холитов. — Мустабиллик йил- республикамизда ҳали уруғчилик ишлари талаб даражасида ташкил этилмаганлигида. Энг ачинарлиси, маҳаллий навлар яратилиш жуда суст кечмоқда. Зотан, уруғчиликни тўри йўлга қўймай туриб, картошка етиштиришни кўпайтириб бўлмайди. Хабарингиз бор, ўтган йиллар мобайнида хориждан килма-хил модуларга тўналган уруғлик картошка олиб келинди. Биргина 1996 йили Голландиядан 20 минг

тонна уруғлик келтирилди. Аммо бари бир, ҳосилдорлик кўнглидагидек бўлмади. Кўплай хўжаликлар Поляна ва Бельгиядан олиб келинган уруғликнинг сифати яхши бўлмаганлиги сабабли йил охирида бармоқ тишлаб қолди. Шу ўринда, кўнглида уруғлик муаммоси картошкачилик риважини йўлга қўйиш учун республикамизда уруғчиликнинг буғунги аҳвали қандай ва унинг эртаси нима бўлади деган савол тўғрисида таъбиий.

Авалло, шунга айтиш керакки, мамлакатимиз ҳукумати ушбу соҳадаги ишларни тубдан яхшилаш мақсадида бир қатор амалий чоралар белгиламоқда. Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарори билан 1996 йил «Ўзметасеба» уюшмаси қошида «Ўзкартошка» фирмаси ташкил этилганлиги бундан яққол далилдир. Бугунги кунда махсус фирма қарорда белгилаётган, уруғчилик базисини ташкил этиш, шунингдек, нави янгилаш мақсадида хориждан уруғлик келтириш орқали республика хўжаликлари эҳтиёжини таъминлаш каби вазифаларни амалга оширмоқда. Шу мақсадда ўтган йили хориждан 24 минг тонна уруғ-

да, олимларимиз узоқ йиллик изланишдан сўнг, иккита — «Туймилли» ва «Ақраб» навларини яратдилар. Ҳар иккала нав ҳам иссиқ иқлимга мослаштирилган, кечпишар, лекин юқори ҳосилли, касалликка чидамли.

Аммо бизга тезпишар навлар керак-ку? Қолаверса, улар гектарлаб экинмайпти. — Тўри. Шунинг учун ҳам ҳозир олимларимиз асосан эртапишар нав яратиш устида ишлашапти.

Неча олим? — Иккита. — Оз эмасмикин? — Ҳа, энди, йўқдан кўра... — Рағбар сифатида улар фаворитларидан қандайсизми? — Йўқ, албатта. — Нега? — Янги нав яратиш учун ривожланган мамлакатлардаги каби селекция соҳасида фундаментал тадқиқотлар олиб бориш, хорижлик ҳамкасблар билан алоқаларни кенг йўлга қўйиш лозим. Бусиз селекция ишини яхшилаш қийин. Аммо менда олимларимизнинг серқосил картошка навларини яратишларида ишонч бор. Зеро, бунга бизнинг кучимиз ҳам, салоҳиятимиз ҳам етди.

Дарҳақиқат, шундай. Бироқ ҳолва деган билан обиз чучмайди. Бугун исоҳотлар маркази қишлоқ хўжалигига қўчирилган бир пайтда олимлар ва мутахассислар ўртасидаги узиб-ларчиликни, катта бир институтда селекция ишлари билан бор-йўғи икки нафар илмий ходим шуғулланаётганлигини нима билан изоҳлаш мумкин? Ахир, мамлакатимиз мустақилликка эришганига ҳам етти йил тўлапти. Гарчанд бу қисқа давр бўлса-да, картошкачилик селекциясини такомиллаштириш, ушбу соҳада маълум бир таъриба тўплаш, қолаверса, тупроқ ва бошқа шароитларимизга мос янги навлар яратиш, аниқроғи, картошкачилик тамал тошини қўйиш учун етарлидир. Демак, гап фақат мақсадга эмас, балки унга қандай эришиш ва бу муаммони қанчаллик тез ва соз бартараф этишда ҳамдир. Модомики шундай экан, бунинг учун, аввало, селекция ишларини ташкил этишни тубдан яхшилаш керак. Чунки бу соҳанинг эртаси айнан ана шу масаланинг нечоғлиги ўз ечимини топишга боғлиқ. Республикада янги навларни яратишиш бу — валюта эвотишга ҳар йили тўналган зарфига уруғлик харид қилиш ва уни ташиб келиш ташвишлиридан қутқазди, деган гап. Шунинг учун соҳа мутахассислари, айтмаски, олимларимиз ўз тафаккури чигиринидан ана шу жараёнларни ўтказса олмасалар, билингки, ушбу соҳада ривожланиш бўлмайди.

Демокримизки, тараққиёт, аввало, ҳар қайси соҳада илмнинг ўз тармоғидаги яхши-ёмон томонларни аниқлашга боғлиқ. Қолаверса, илмнинг ривожланиши экиннинг унчалик ҳам қўп эмас. Масъулият бўлса бас. Қоқоқликка эса топқирлигини тизиб қараб саноксиз сабаблар топилаверди.

Фуркат САНАЕВ, «Жалқ сўзи» мухбири.

Шундай бўлса-да, барибир, NEC республикамиздаги биринчи халқаро алоқа станцияси сифатида улоқни олиб келди. Ва ўтган даврдаги фаолияти давомида ишончли шерик эканлигини амалга исботлади. Шу боис 1996 йилда Ўзбекистоннинг Оролбўйи минтақасида телекоммуникация тизимини ривожлантириш ва янгилаш бўйича ўтказилган халқаро тендерда (Япониянинг ОЕСФ жамғармаси томонидан ажратилган 12,7 миллиард япон йени миқдориди кредит негизда) NEC ва Мицуи ғолиб чиққанда ҳеч қим ажабланмади. Бугунги кунда эса улар ана шу йирик лойиҳани амалга оширмоқдалар. Бу лойиҳага қўра, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро ва Навоий вилоятларида 252 минг линиядан иборат 70 та телефон станцияси, 2 минг километр узунликдаги оптик-тола кабелъ алоқа линияси барпо этилади. Шунингдек, Тошкент вилоятинан Фарғона водийсига Қамчиқ довони орқали ра-

қамли радиореле линияси қурилади. Бундай линиялар республикамнинг бошқа қатор йўналишларида ҳам яратилади. Иккинчи йирик лойиҳа эса Индонезиянинг «Бакри групп» компанияси билан биргаликда Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд ва Жиззах вилоятларида рўбга чиқарилади. Уни ҳам NEC ускуна ва ашёлар билан таъминлайди.

Айни кунларда Япониядан Оролбўйи минтақасига телекоммуникация ускуналари келтирилиб, лойиҳа асосида ўрнатилмоқда. «Бакри групп»нинг бюротида бироноя, 37 та станция тайёрланапти. Бизнинг пудратчиларимиз бу ускуна ва ашёларни жой-жойига қўйиб, тезроқ линияни ишга туширишга ҳозирлашар бас, замонавий алоқа техникаси республикамиз иқтисодиёти, бизнеси ва одамлари манфаатлари йўлида хизмат қилишга киришади.

Юқорида Тошкент алоқа институтида Техника маркази ташкил этилганини айтган эдик. Унинг очилиш маросимида NEC корпорациясининг вице-президенти жаноб Шиноҳара, Ўзбекистон Почта ва телекоммуникация агентлиғи Бош директорининг биринчи ўринбосари В. Л. Штейнберг, алоқа институтининг ректори, академик Т. Ражабов иштирок этди.

— Ўзбекистонда телекоммуникация тармоғини қуришдек йирик лойиҳани амалга оширишда қатнашиш биз учун оқсиз шараф ҳисобланади, — деб таъкидлади жаноб Шиноҳара. — Биз зиммамиздаги мажбуриятни ўз муддатиде, сифатли қилиб бажариш учун барча имкониятларни ишга солаёмиз. Зеро, келгусида республикамизда телекоммуникация соҳасида амалга ошириладиган бошқа тадбирлар ҳам ишторик эдиш ниятимиз бор. NEC — Ўзбекистонда ўзининг Марказий Осиё ваколатхонасини очган Япониянинг ягона компаниясидир. Республикангизда ишлаш бизга ёқди. Чунки бу ерда тинчлик, осойишталик ва барқарорлик вазиати ҳукмрон, давлат ва халқ эса мамлакатнинг гуллаб-яшнаши, одамларнинг фаровон турмуш кечириши йўлида катта бунёдкорлик ишларини рўбга чиқармоқда.

А. КУДИНОВ.

Мулоҳаза

Иккинчи НОН

у ўз еримизда етиштирилади, аммо...

- Меҳнатта тўхмат.
- «Ўзкартошка» яна 10 минг тонна уруғлик картошка.
- Олимлар нега жим?
- Ҳолва деган билан...
- Илгорликнинг сабаби нечта?

УСИМЛИК

Мойи.

Тўри, озиқ-овқат саноатида ҳайвон ёғи ҳам ишлатилади. Бироқ бу ёғ жуда кам миқдорда бўлгани учун аҳолининг истеъмол талабини қондиролмайдди. Қолаверса, нархи баланд. Масалан, нархи иккинчи томони, ҳайвон мойидаги холестерин инсон организмда тўпланиб, турли касалликларнинг бошланишига сабаб бўлиши мумкин.

ЭҲТИЁЖ ВА ИМКОНИЯТ

Ўсимлик мойидан нафақат озиқ-овқат саноатида, балки халқ хўжалигининг барча соҳаларида ҳам фойдаланилади. Масалан, ўсимлик мойи ва унинг қолдиқлари кундалик турмуш учун зарур бўлган совун, лак-бўёқ ишлаб чиқаришда, медицинада асосий хомашё ҳисобланади.

Республикамизда мой берувчи турли ўсимликлар мавжуд. Чунинчи, зигир, кунжут, махсар, соя, рапс, хантал ана шундай мойли ўсимликлар сирасига кирилади. Қолаверса, турли уруғлар ва мева данакларидан ҳам ёғ-мой саноатида фойдаланиш мумкинлиги таърибадан маълум. Шундай экан, мойли ўсимликларни парвариш, халқимиз эҳтиёжи учун етарли бўлган ёғ ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш зарур.

Базми туманлар аҳолиси кунжут, зигир экинчи, жуволарда мой олишган бўлса, сўнгги икки йилда айрим туманларда лалми-бахорикор ерларга махсар экила бошланди. Галларот туманидаги «Дон» илмий ишлаб чиқариш бир-

лашмасида зигир, кунжут ва махсар етиштириш борасида, Тошкент вилояти шолчилик илмий-тадқиқот институти олимлари махсарнинг «Оруз» навларини яратдилар. Ҳамма гап яратилган навлар уруғчилиги билан барча вилоятларда шуғулланишга аҳамият беришда, ҳар бир туманининг иқлим ва тупроқ шароитини ўрганиб, мойли ўсимликларнинг илмий асосланган агротехникасини яратишда. Хулоса шунки, мойли экинлар уруғчилиги билан шуғулланишда элита уруғчилик хўжаликларини республика бўйича аниқ белгилаш зарур. Ўз имкониятларимиздан келиб чиқиб халқ хўжалиги, қолаверса, озиқ-овқат саноати учун зарур хомашё захирасини яратишимиз, бу билан ёғ-мой заводларининг узлуksиз ишлаб, аҳоли эҳтиёжини қондиришни таъминлашимиз лозим. Токи, бизнинг илмий изланишларимиз мустақил юртимиз раванқига, халқимиз дастурхонининг тўқин-сочинлигига хизмат қилсин.

Д. ЁРМАТОВА, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.

Шундай қорхоналар борки, улар бир кун ишламаса дарров сезилмади-қолади. Иккинчи шахрдаги очиқ турдаги ёғ-мой ҳиссадорлик жамияти ҳам ана шундай эл назоратида қорхоналар сирасига кирилади.

Мавлумки, ёғ-мой ишлаб чиқариладиган қорхоналар маҳсулотини нафақат аҳоли дастурхонини учун, балки чорва учун муҳим ҳисобланган кўчкўра ва шелуха ҳам чиқарган.

Ўтган йили январь-февралда 15 минг 103 тонна ёғ, 12 минг 417 тонна хўжалик совуни, 46 минг 994 тонна кўчкўра, 36 минг тонна шелуха ишлаб чиқариб, йиллик режаларини орғини билан урдилар.

СУРАТЛАРДА: лаборатория мудири С. Ҳасанова; цех бошлиғи Р. Нурмухамедов аппаратчи Р. Саидова билан.

Т. КАРИМОВ олган суратлар.

Биз Рақобатдан Чўчимаймиз

Гулистон шахрида март ойининг охири ва апрелнинг бошларида бозор ва дўкон пештахталари бирданига турли-туман қандолат маҳсулотларига тўлиб кетди.

— Демак, сиз билан бирга ишлайдиган гулистонлик шерикларингиз қўшма корхона очилишидан бирдай манфаатдор бўлишадими?

— Албатта. Тошкент, Самарқанд ёки чет элдан мол олиб келиб сотиш билан ҳам катта фойда кўра бўлади. Лекин ишлаб чиқаришни ўзимизда йўлга қўйганга не етсин. Тўри, бизнинг харақатимизда маълум бир таваққулчилик бор. Бозорни ўрганганимиз, ишлаб чиқаришга маҳсулотимизнинг сифати ва арзонлиги бизга ишонч бағишлармоқда. Ҳозирги кунда 12 хил турдаги шоколад, 4 турдаги пачеңе ва вафларлар ишлаб чиқариляпти. 20 нафар малякали ходимимиз бор. Келгусида торт, музьяймоқ ва 5 турдаги нон ҳамда нон маҳсулотлари тайёрлашни йўлга қўямиз. Бунинг учун бино, асбоб-ускуна ва маблар етарли. Мақсадимиз битта: сифатли қандолатчилик маҳсулотлари билан Сирдарё вилояти ва Ўзбекистондаги бошқа шаҳар ва ту-

Вазирликлар «Жалқ сўзи»га жавоб беради

«Ёдгорликларни тиклашга тўғри ёндашайлик»

Лексин ёдгорликларни сақлашда ҳали қатор муаммолар мавжуд. Ўзбекистон ҳудудида экологик ва гидро-геологик аҳвол тез ўзгармоқда. Бу вазир-лик ёдгорликларга ҳам ўз салбий таъсирини ўтказмоқда. Уларни бар-тараф этиш йўлида бу ишга алоқадор илмий текшириш муассасалари мутахассислари билан ҳам-корликда илмий изланишлар олиб-борилмоқда ҳамда амалий натижа-ларга эришмоқда.

Хозирги пайтда вазирликда маданий ва тарихий ёдгорликларни конст-руктив жиҳатдан сақлаш юзасидан учта йўналишда дастур тайёрланган. Имкони-ятларимиз борича шу дастурларни амалга ошириш учун ҳаракат қиламиз.

— Мана бу шоколад ва печеньелардан татиб қўришларингизми? Таъми жуда мазали. Гуё хорижчи-кай дейсиз...

— Намунча хурсанд бўлмасангиз? Буларнинг барини тижоратчилар Тошкентдан келтиришган-да! Шу пайтдаги ширинлик емаган одамдай гапир-сиз-а!

— Ҳа, ўртоқжон, аввал сиз бу ширинликларнинг қозғоғига бир кўз ташлан-да! Мана унда «Туркистон» ва «Абдулгани Мансур» ху-сусий қорхонаси. Гулистон шаҳри, деб ёзиб қўйилган. Демак, ширинликлар Узи-мизнинг шаҳарда тайёрла-напти.


— Рост айтсан. Боя мен негадир бу ёзувларга эъти-бор бераман. Нархнинг арзонлигини айтмайсиз-ми...

— Ҳа, шаҳарликлар дастурхонига файз киритган «Туркистон» — «Абдулгани Мансур» ўзбек-сурия ху-су-

ЕТТИ ИҚЛИМ САДОСИ

ВАЗИРЛАР МУЛОҚОТИ

РОДОС. Грецияда Фарбий Европа Иттифоқига аъзо 28 мамлакат ташқи ишлар ҳамда мудофаа вазири...



Будапешт парламенти биноси.

ХИТОЙДАГИ ЎРТА ВА МАЙДА КОРХОНАЛАР

Хитой Халқ Республикасида ўрта ва кичик корхоналарни ривожлантиришга йўл очилганига қарий 20 йил бўлди. Ушар пайтда Хитойнинг оғир аҳолига тушиб қолган ички бозорини аҳолининг кундалик ҳаёти учун зарур бўлган турли моллар билан таъминлашда бундай корхоналар аҳамиятли ўрин эгаллад...

Ўтган давр ичида айрим кичик корхоналар ўрта ва йирик корхоналарга, компанияларга айланиб кетди...

корхоналарнинг кўпчилиги кечги майда корхоналар эди. Иқтисодий ислохотнинг дастлабки йилларида майда корхоналари очилган...

ларидан фойдаланиш унингнинг пайсаяниги, ички бозорларнинг бўлиб кетиши туфайли маҳсулот сотилишининг қийинлашиши ва уларга бўлган талабнинг қамайиши...

ФОРС КЎРФАЗИНИ ТАРК ЭТИШЯПТИ СИДНЕЙ

Австралия ҳукумати бундан уч ой аввал Ироқ моҳароси туфайли Форс кўрфазига киритган ўз ҳарбийларининг асосий қисmini бу ҳудуддан олиб чиқиб кетади.

Австралия ҳукумати Кувайт, АҚШ, Буюк Британия ва Янги Зеландия вакиллари билан маслаҳатлашувдан сўнг шундай қарорга келди.

КУН КЕЧИРИШ ОФИРЛАШМОҚДА КОБУЛ

Афғонистоннинг Ҳазаражат вилоятида очарчилик туфайли май ойининг дастлабки ўн кунда 100 га яқин фуқаро нобуд бўлди.

БМТнинг Исломободдаги инсонпарварлик ташкилоти вакили мазкур мамлакатда кун кечириш тобора оғирлашиб бораётганини таъкидлади.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири Академиясида «Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Олий Мажлисининг XI сессиясидаги нутқи ва ундан келиб чиқадиган Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг вазифалари» мавзусидаги илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

ИЛМИЙ АНЖУМАН

Олимларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессиясидаги ушбу маъруза ва қабул қилинган қонунларга бағишланган маърузалари тингланди ва муҳокама қилинди.

қаратилган тавсияларни ишлаб чиқилди. Диний экстремизм ва фундаментализм хавфидан сақланиш муаммоларига бағишланган комплекс махсус курси ўқитиш, уни ўрганиш бўйича зарур методик кўрсатмаларни тайёрлашга келишиб олинди.

Мурод АЛИМ, «Халқ сўзи» мухбири.

ТАДБИРКОРЛИК

АВТОБУСЛАР АВТОКОРХОНАНИНГ ЎЗИДА ТАЪМИРЛАНМОҚДА

Андижон шаҳридаги енгил таксилар парки жамоаси ишдан чиққан транспорт воситаларини шу ернинг ўзида таъмирлашни йўлга қўйган эди.

Шуни қувончлики, зарур эҳтиёт қисмларнинг аксарияти корхонада тайёрланмоқда.

Мулкчилик шаклининг ўзгариши туфайли, шунингдек, жамоада рационализишнинг кенг қўлдан кўрилди.

Ички имкониятларимизни ишга солиб, турта йўналиш бўйича автобуслар қатновини йўлга қўймоқчимиз.

Ўтган йили ақил жамоа 1 миллион 200 миң сўм соф фойда олган эди.

О. ШОДНОАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

Республика Қўчмас мулк биржасининг Хоразм вилояти филиали Сизларни 1998 йилининг 14, 21, 28 май кунлари соат 11.00 да туман ҳокимликлари, давлат солиқ инспекцияси, хўжалик суди билан ҳамкорликда ўтказиладиган КИМОШДИ савдосига таклиф этади!

Савдоларга қўйидаги мулклар қўйилади:

- 1. Вилоятнинг деярли барча шаҳар ва туманларидан умрбод эгаллик қилиш ва мерос қолдириш ҳуқуқи билан, ҳар бири 400-1000 м2 бўлган ер майдонлари. Бошланғич баҳолари: ҳар бири 9 миң сўмдан 25 миң сўмгача.
2. Урганч қурилиш коллежига қарашли қурилиш тугалланмаган саноат базаси. Бошланғич баҳоси 1 млн. 500 миң сўм.
3. «Хоразмтрансэкспедиторлик» ОТҲЖга қарашли; а) Козловой кран. Бошланғич баҳоси 914,4 миң сўм. б) Омборхона биноси. Бошланғич баҳоси 3 млн. 156 миң сўм.
4. Вилоятнинг бир қатор корхоналарига қарашли; ГАЗ-24, 51, 52, 53; КАЗ-608, ПС-8545, М-21412, КРАН-КС-4361 а, УРАЛ, ЕРАЗ-762, УАЗ-469,3303, ЗИЛ-431610, ЗИЛ-ММЗ-555, ЗАЗ-968, ГАЗ-66, КРАЗ-250, ТМЗ-540203 мото Днепр КУБАНЕЦ, русумли автотранспорт ва мотороллерлар; Бошланғич баҳолари 12 миң сўмдан 1 млн. сўмгача.
5. Шунингдек, вилоят «Ўзметсабзавотсаноат», бирлашмасига қарашли Хонқа, Шовот, Янгибозор, Гурлан туманлари мева-сабзавот тайёрлаш ва сотиш корхоналарининг мол-мулклари;
6. Вилоят хўжалик судининг қарорлари, Давлат солиқ инспекцияси тақдимномалари асосида бир қанча корхоналарнинг мол-мулклари ҳам кимомиди савдосига қўйилади.

Мурожаат учун манзил: Урганч шаҳри, П. Маҳмуд кўчаси 13 уй.

Сизлар мулклар жойлашган туманлар ҳокимликлари хусусийлаштириш бўлимларига ҳам мурожаат қилишларингиз мумкин. Телефонлар: 6-32-63, 6-34-66, 6-43-64.

ҚЎШХАБАР

ЗАРАФШОНЛИКЛАР ҚУВОНЧИ

Зарафшон ва Учқудуқ шаҳарларининг аҳолиси яқин-яқинларгача суюлтирилган газ ва четдан ташиб келтирилмаган ичимлик сувидан фойдаланар, бунинг оқибатида газ ва ичимлик суви таъминотида узиллишлар бўлиб туради.

ЭЪТИРОФ

«Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмасида жорий этилган инанат маҳсулотларини биологик тозалаш технологияси Женевада Халқаро медаль ва диплом билан тақдирланди.

П. ЖУМАЕВ.

Advertisement for NBU (National Bank of Uzbekistan) featuring images of bank buildings and text about services and interest rates.

Large advertisement for National Bank of Uzbekistan (Миллий Банк) with detailed information about mortgage programs, interest rates, and contact details.

Small vertical advertisement for various services and organizations, including mentions of 'Ўзбекистон Республикаси' and 'Миллий Банк'.



Қашқадарё вилояти-нинг Ҳузур туманида Имом ал-Бухорий ҳаёти-га бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

МАЪРИФАТ ЖАМОАТЧИЛИК МАРКАЗИ ТОМОНИДАН УЮШТИРИЛГАН УШБУ ТАДБИРДА МАДАНИЯТ ХОДИМЛАРИ, УШБУ МАЪНАВИЯТ ВА ҲАЛҚ СЎЗИНИ

маърифат жамоатчиликлари, ушбу маънавият ва ҳалқ сўзини янада янгиликлар билан таъин қилиш ва ушбу маънавият ва ҳалқ сўзини янада янгиликлар билан таъин қилиш ва ушбу маънавият ва ҳалқ сўзини янада янгиликлар билан таъин қилиш...

Тадбирнинг иккинчи қисми мактаблар, маҳалла ва дала шайхонларида давом этди.

Қувасойликлар санъати қадрига эришди. Айни вақтда шаҳардаги биринчи марказлашган маданият уйида 4та халқ дастаси фаолият кўрсатаётир. Ушбу ансамбллари бугун нафақат водийда, балки кўшни Қирғизистон Республикасининг Уш вилоятидаги завод-фабрикалар ишчилари, дала меҳнатчилари ҳам яхши билишади.

СУРАТДА: ашула ва рақс дастаси иштирокчилари. Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИНИНГ БОШ ҲАМРАҲИ



Stade de France Францияда июнь ойида бошланган футбол бўйича жаҳон чемпионатида бағишлов махсус курилади. Маъмур ўйингоҳ Парижда 13 км. узондаги Сен-Денида жойлашган бўлиб, замонавий меъморчилик ва муҳандислик санъатининг ажойиб намунаси.

Ушбу думалоқ шаклга эга, шиша ва темир-бетондан ишланган бино устига оғирлиги 13 минг тонна келадиган (Эйфел минарсига нисбатан бир ярим баробар оғир) ҳаракатланувчи том ўрнатилган бўлиб, бир қаватда енгил ва нозик туюлади. Ҳудуднинг 270 метрга 230 метр бўлган ҳолда 35 метр баландликка эга. Иншоотнинг умумий оғирлиги 500 минг тоннага яқин.

Ҳудуднинг ички қўриғини эса янада қўрқам ва диққатга эриштириб қўлади. Осиё томонинг қўриғини ойналар кундузи ёрқин бўлган бутун ўйингоҳ бўлиб тарқалиши учун муҳаллашган, 550 та кучли прожекторлар эса кечки пайтларда ўйин майдонини ёрқин билан таъин қилиди. Уч қаватли минбарлар ва ўрнатилган қўриқ қўриқлари, шунингдек, иккита катта телевизион мослама 80 минг футбол иштирокчиларини ўйинларни бемалол томоша қилишлари имконият яратди. Пулдор томошабинларнинг истаклари ҳам инобатга олинган: улар учун 148 та юксак даражадаги қўриқларга эга ложалар ажратилган. Ложадаги битта ўрин-

нинг йиллик нархи 3 млн. франкни ташкил этади. Ҳудуднинг енгил атлетика, мотокросс бўйича мусобақалар ва бошқа тадбирлар, масалан, талоконцертлар ўтказишга ҳам мослаштирилган. Биринчи қават минбар ўзгарувчан қилиб қўрилган, сўнгги қават минбар эса ҳаво ёстиқларига ўрнатилган бўлиб, улар пастта тушиши ва олиниши мумкин. Бунинг эвазига минбарларни ўн беш метргача суриб, ўйин майдонини сезиларли даражада кенгайтириш мумкин.

Маъмур иншоотни қуришда «БУИГ», «Шамелонг Бернар - СЖЕ», «Ломел-ЖТМ» каби машҳур қуриш ширкатлари иштирок этиб, улар «Stad de France» корпорациясини ташкил қилиб, ўйингоҳ ўта қисқа муддат - бор-йўли йигирма беш ой ичида қуриб битказилди ва Франция ҳукумати учун ҳарajatлар 2,7 млрд франкни (450 млн. АКШ доллари) ташкил этди. Муҳим асослар ва ФИФА раҳбариятининг фикрича, ушбу стадион энг янги технологиялар жаб этилган жаҳонда энг яхши ўйингоҳдир. Унинг расмий очилиш маросими шу йилнинг 28 январида бўлиб, Франция ва Испания терма командалари ўртасида ўртоқлик учрашуви ўтказилди.



10 июнь куни бу ерда футбол бўйича жаҳон чемпионати тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди, кейин эса чемпионатнинг тўққизта ўйини, булар каторида чоракфинал, яримфинал ва финал ўйинлари ўтказилди. Футбол бўйича бу йилги жаҳон чемпионати тўтаётган аср спорт ҳаётида энг ирриқ воқеалардан бири бўлади. Чемпионатнинг 64 та ўйини Франциянинг ўнта шаҳрида: Париж, Сен-Дени, Бордо, Лион, Ленс, Марсель, Монпелье, Нант, Тулуза ва Сен-Этьен шаҳарларида бўлиб ўтади. Чемпионат ўйинлари давомида Франция телевидениясининг биринчи дастури «TF-1» орқали ушбу воқеага бағишлов намойиш этириладиган кўрсатувлар ҳажми, мулоҳаза ва репортажлари ҳам биргаликда ҳисоблаганда, 70 соатни ташкил этиши тахмин этилмоқда. Финал ўйинининг трансляциясини барча қитъадаги 1 миллиард 700 миллион телетомошабин кўради. Тахминларга кўра олти ҳафталик футбол марфони мобайнида Франция 20 миллиондан ортиқ сайёх зиёрат этади.

Жўра ДЕҲҚОНОВ, «Жаҳон» АА муҳбири Париж.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Республика истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш Улуғбек жамғармаси билан ҳамкорликда «Мустақилликнинг зафарли етти йили» мавзусида талаба - ўқувчилар ва аспирантларнинг энг яхши иншо ва рефератлари учун ўқув юртлариаро республика танловини

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Танловда Республика олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг барча талаба-ўқувчилари ва аспирантлари қатнашишлари мумкин.

Танловнинг асосий мақсади талаба-ўқувчиларнинг мустақиллик йилларида республикада ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий соҳаларда амалга оширилган туб ислохотлар ҳамда эътиқод эркинлиги ва унинг мамлакатимизда тегишли қонунлар билан мустақамланганлиги ҳақида фикр мулоҳазаларини аниқлаш, республика таълим тизимида амалга оширилган ишлар тўғрисидаги тақдирларини ўрганиш, мустақил ва ижодий фикр юритиш кўникмалари ва қобилиятларини баҳолашдан иборатдир.

Танлов қуйидаги мавзулар бўйича ўтказилади:

- 1. Мустақилликнинг зафарли етти йили: ютуқлар, режалар ва муаммолар.
2. Хорижий сармоёлар - иқтисодий ривожланиш гарови.
3. Қомил инсонни тарбиялашда олинган ўрни.
4. Эътиқод эркинлигининг қонуний асослари.
5. Миллий кадрлар тайёрлашнинг мукамал тизими - давлат ва жамият истиқболининг муҳим омил.

Ишлар юқоридаги мавзулардан бири бўйича иншо ёки реферат шаклида ёзилиши, шунингдек, ўқув юртида ташкил этиладиган илмий-амалий семинар ёки анжуманда маъруза сифатида ўқилиши ҳам мумкин.

Танлов ғолиблари ва уларнинг илмий раҳбарларини моддий тақдирлаш учун ўқув юрти томонидан кундузги таълим талаба-ўқувчилари миқдорига мувофиқ қуйидаги мукофотли ўринлар белгиланиши тавсия этилади:

Table with columns: ЎРИНЛАР, МУКОФОТЛАР МИҚДОРИ, ЎҚУВ ЮРТИ КУНДУЗГИ ТАЪЛИМ ТАЛАБАЛАРИ СОНИ (1 МИНГАГАЧА, 2 МИНГАГАЧА, 2 МИНГДАН КўП)

Танловни ташкил этиш ва ғолибларини аниқлаш, уларнинг ёзма ишларини баҳолаш ва тақдирлаш тартиблари тўғрисида ўқув юртида махсус Низом ишлаб чиқилад.

Ҳудуднинг иккинчи қисми мактаблар, маҳалла ва дала шайхонларида давом этди.

Энг яхши деб топилган иншо ва рефератлар Вазирлик томонидан махсус тўплам шаклида нашр этирилади. Ҳудуд чикқан ўқув юртлари Вазирлик ва Республика истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш Улуғбек жамғармасининг мукофотлари билан ҳам тақдирланадилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Республика истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш Улуғбек жамғармаси



СУРАТДА: ашула ва рақс дастаси иштирокчилари. Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

«УЁЛМА МАЪРИФАТНИ ЎРГАНАРДИН»

Ушбу сатрлар муаллифи муқаддас Қуръони карим, Ҳадиси шарифларнинг ўлмас ғояларини бадиий сўз воситасида содда ва рабон тилда баён этувчи асарлар яратган Сўфий Оллоёвдир. Унинг асарлари умумтўркий халқлар маънавий-маърифий хазинасига қўшилган бебаҳо ҳиссадир.

1997 йили Мовароуннахр наشريётида Сўфий Оллоёвнинг «Саботул оҳизин» шеърый асари шарҳ билан босилди чикди. Китобни ўқир экансиз бир лаҳзалик дунёда инсон қадр-қимматини, ҳар кунининг ғаниматлигини англай бошлайсиз, дилингизда саёб амаллар бажариш иштиёқи туртилади.

Кел, эй кўнели, жаҳон саводсидин кел, Қадим гам кишварина урмагил ҳеч.

Қадим дарё юзида рўйи ҳасда Хануз авлоди Одам мине ҳавасда.

Маъмур асар техника фанлари доктори, профессор Зокир-хоҷожи Шокиржон ўли Афзаловнинг шахсий ташаббуси ва сарф-ҳаражатлари билан 1893 йилги шарҳли Қозон нашри асосида тайёрланди. Асосий матириал «Сабот ул-оҳизин»нинг 1991 йилда Тошкентда «Меҳнат» наشريётида бир гуруҳ но-шарҳлар чикрган нашрга қиёслаб тайёрланган. Қозон босмасининг асосий матириали, шарҳлар деярли узғартирилмай асосан ўз ҳолича қолдирилган.

Г. ҲУСАНОВА.

ИЛҚ БЕЛЛАШУВ

Ҳалба байрами олдидан Қарши шаҳридаги Навоий номи Маданият ва истироҳат боғида Ўзбекистон истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш Улуғбек жамғармаси, ФА Адабиёт институти ва Қашқадарё вилояти ҳокимияти ҳамкорлигида «Алпомиш» дostonи 1000 йиллигини нишонлаш тадбирлари доирасида биринчи марта ёш бахши-шорларнинг республика кўрик-танлови ўтказилди.

У Қарши давлат университетида «Алпомиш» ҳокимияти кечаси билан бошланди. Маъмур таълимо Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларидан келган 41 нафар ёш бахши-шорлар беллашдилар. Улар «Алпомиш» дostonидан, ағнавий термидан ва уларнинг ижодидан намуналар икром этидилар.

Г. ЙЎЛДОШЕВА.

«ЦЕНТРАЗБАТ - 98» МАШҚЛАРИГА ТАЙЁРГАРЛИК БОШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари Марказий офицерлар уйида коллектив тинчлик кучлари ишти-рокида «Центразбат - 98» машқларини режалаштириш-га бағишланган конференция очилди. Унда НАТОга аъзо бўлган давлатлар - Америка Қўшма Штатлари ва Туркия, шунингдек, «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастурида иштирок этаётган мамлакатлар - Грузия, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия Федерацияси ва Ўзбекистоннинг ҳарбий делегациялари иштирок этмоқда.

Конференциядан қўзланган мақсад 21 сентябрдан 26 сентябрга қадар Марказий Осиёдаги икки давлат - Ўзбекистон ва Қирғизистон ҳудудида ўтказиш режалаштири-лаётган «Центразбат - 98» тинчлик ўрнатиш машқлари-га тайёргарлик кўришдан иборат.

(ЎзА)

КУРУВЧИЛАР, ЎЙЛСОЗЛАР, ТАДҚИҚОТЧИЛАР, ЕР ТУЗУВЧИЛАР, КАДАСТР ҚИЗМАТИ НОДИМЛАРИ, АРХИТЕКТОРЛАР

Сизлар учун! Норм-наво ёзи мавсум олди 50% туширилади.

Узуллик ўлчовлари-рулеткалар (30, 50, 100м) Жанубий Корея маҳсулот (Евростандарт), нивелир рейкалари, теодолит, нивелир ва кипрегеллар комплектида. Штативлар, топографик зонтлар. Пул ўтказиш йўли билан.

Новоий кўчаси, 2а (Тошкент Тадқиқот институтини боиноси) 4 қават, 23 хона. Тел: 41-46-31.

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

«ТОШКЕНТ» ЎЗМОЛИЯ-ИНВЕСТ АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИАТИНИНГ I январь 1998 йил қоламига ҲИСОБОТ БАЛАНСИ (минг сўм)

Table with columns: АКТИВ, ПАССИВ, values for various assets and liabilities.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 24 мартдаги 125 сонли қарори билан «Ўзулжумивасабзавот» акционерлик компаниясининг марказий ашарати тугатилишини маълум қилади.

Шу муносабат билан барча ариза ва даъволар эълон чикқан кундан бошлаб, бир ой ичида қабул қилинади.

Манзиллоҳ: Тошкент шаҳри, Амир Темури кўчаси, 60-а уй.

«ХАЛҚ СЎЗИ» - НАРОДНОЕ СЛОВО

БЎЛИМЛАР: Парламент 133-57-34; Ҳуқуқ ва қонуночилик 136-07-94; Иқтисодий 136-16-65; Қишлоқ ҳужажи 136-37-85; Маънавий 136-35-60, 132-10-65; Халқаро 136-29-89, 133-07-48; Фан, турал, спорт ва ҳарбий вақтинларлик 132-17-04; Халқаро ҳаёт 132-11-15; Контракт 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Рушдатли утиш тартиби № 0001. Буортма Г - 019, 35059 нукади босилди, ҳажми - 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қогоз бичими А-2. Гляста IBM компьютерида термиди ва оператор Сергей ДУКНИ томонидан саҳифаланди. Ҳақини ҳажми 5 қогоздан ибид материал қабул қилинмади. С МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Набатчи муҳаррир - И. Худобер. Набатчи - И. Мусомов. Мусоҳиҳ - Ф. Усмонов. «Шарқ» наشريёт-матбаа концерни босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти - 21.00 Босишга топширилади: 22.45 1 2 3 4 5 6